



# O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2013-yil, 16-may. Payshanba 59 (31.649) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолининг эҳтиёжманд қатламини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва ёшлар, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш самарадорлигини ошириш учун курашади.**

## СЕНАТДА УЧРАШУВ

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Буюк Британия Парламентининг «Британия-Ўзбекистон» Умумпартиявий гуруҳи раиси, лорд Жон Вейверли 15 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатда учрашув ўтказди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик кўлаб йўналишларда, шу жумладан парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустахкамлаш учун икки томонда ҳам қизиқиш катта экани алоҳида таъкидланди. Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган бир қатор ҳужжатлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни изчил ривожлантириш ҳамда икки мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустахкамлаш мақсадида ташкил этилган Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Буюк Британия кенгаши мажлислари мунтазам ўтказиб келинаётган. Ўзбекистонда британиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган 437 корхона, Буюк Британиянинг 86 фирма ва компанияси ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Юсак технологиялардан фойдаланган ҳолда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга икки томон ҳам ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишидан бири сифатида қарайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатда бўлган учрашувда парла-

ментларо ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

— Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасида парламентларо алоқалар изчил тараққий этмоқда, — деди лорд Жон Вейверли. — Мақсадимиз турли ташкилот ва идоралар ҳамкорлигини ривожлантириш, парламентларо мулоқот соҳасида ахборот ва тажриба алмашишни фаоллаштириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини мустахкамлаш ҳамда маданий алоқаларни янада кенгайтиришдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Буюк Британия Парламенти билан ҳамкорлик бўйича гуруҳи ҳамда Буюк Британия Парламентининг «Британия-Ўзбекистон» Умумпартиявий гуруҳи ўртасида имзоланган англашув меморандуми бу борадаги муносабатларни янада кенгайтириш ва мустахкамлаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни жадал тараққий эттиришга хизмат қилаётган.

Лорд Жон Вейверли Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

**Ноҳира МАНЗУРОВА,**  
ЎЗА мухбири.

## ЎзХДП маҳаллий кенгашларида



## ОБРЎ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

*унга курашиб, меҳнат қилиб, ташаббус кўрсатиб, амалий ишларни кучайтирибгина эришилади*

**Жиззах вилоят партия кенгашининг навбатдаги пленуми ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Унда бошланғич ташкилотлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари олдида турган бугунги вазибалар, улар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклифлар айтиildi, фикр-мулоҳазалар билдирилди.**

⇒ 2

## СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Олий суди раиси Вячеслав Лебедев раҳбарлигидаги делегация аъзолари 15 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош Мустафоев билан учрашди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик кўлаб йўналишларда, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Учрашувда қайд этилганидек, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизimini демократлаштириш, жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни тўла ҳимоя қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юсак самаралар бераётган. Суд-ҳуқуқ ислохотлари соҳасида қабул қилинаётган

янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш учун соҳа мутахассислари малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Россия Федерацияси Олий суди раиси Ўзбекистонда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар бераётган юсак самараларга юқори баҳо берди.

Музокарада икки мамлакат суд-ҳуқуқ идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, алоқаларни янада кенгайтириш ва мустахкамлаш ҳамда тажриба алмашишни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

**Ирода УМАРОВА,**  
ЎЗА мухбири.

## Озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлиги

**Халқимиз қадим-қадимдан асални минг дардга даво неъмат сифатида қадрлаб келади. Ҳақиқатан ҳам дунё ҳақимлари асалнинг саломатликка фойдали хусусиятлари ҳақида кўп маълумотлар қолдиришган. Бу шифобахш маҳсулотга аҳолининг талабини тўлиқроқ қондириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.**

## МИНГ ДАРДНИНГ МАЛҲАМИ

*ёки асаларичиликни ривожлантириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва янги иш ўринлари хусусида*



3

Мухбиримизнинг соҳа мутахассислари, асаларичилар билан мулоқоти асаларичиликни ривожлантириш истиқболлари, унинг озиқ-овқат sanoатидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида бўлди.

## Хушхабар

## ТЕМУР ИГОНИН — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНДОРИ

**Грециянинг Порто Каррас шаҳрида шохмот бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.**



Мусобақанинг 13 ёшгача бўлган иштирокчилари баҳсида ҳамюртимиз Темур Игонин муваффақиятли катнашди. У швейцарча тизим-

да ташкил этилган учрашувларнинг бештасида га-лаба қозонди. Яна тўртта партияда рақиблари билан дуранг ўйнади. Натижада у

## ҲАР БИР ЛОЙИҲА

*партия дастурий мақсад ва вазибалари ижросига қаратилиши зарур*

⇒ 2

## ДУНЁ АЛПЛАРИ ТЕРМИЗДА КУРАШАДИ

⇒ 4



## ҲАММАСИ ТОШКЕНТДА ҲАЛ БЎЛАДИ

⇒ 4



тўққиз имкониятдан етти очко жамғариб, жаҳон чемпионатининг бронза медали билан тақдирланди.

Айни пайтда Темур Игонин пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 27-мактабнинг 6-синфида таълим олмоқда. Эндигина ўн икки ёшга тўлган шохмотчимиз бунгача 2010 йилда Хитойда болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осий чемпионатида ҳам бронза медалига сазовор бўлган.

Эсингизда бўлса, 2011 йилнинг март ойида таниқли гроссмейстер хиндистонлик Вишванатан Ананд Тошкентда ҳамюртимиз, жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов билан ўртоқлик учрашуви ўтказган. Ана шу ташриф доирасида Ананд мамлакатимизнинг кўпсонли шохмотчиларига қарши сеанс ўтказиб, атиги икки партияда рақибларига имкониятни бой берган. Ана шу голиб шохмотчилардан бири Темур Игонин эди. Ушанда Вишванатан Ананд ёш ва иқтидорли ҳамюртимиз келажакга юсак баҳо берган.

**Эркин ХОЛБОБ**





